

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ҲУЗУРИДАГИ
ҚОНУНЧИЛИК МУАММОЛАРИ ВА ПАРЛАМЕНТ
ТАДҚИҚОТЛАРИ ИНСТИТУТИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ
ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ ДЕПУТАТИНИНГ
ҲУҚУҚИЙ МАҚОМИ

Амалий қўлланма



ТОШКЕНТ - 2020

Муаллифлар:
ю.ф.н. Г.Дж.Саттарова, А.Б.Ганибаев

Масъул муҳаррир: Д.Б.Тураев

Ушбу қўлланмада Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатларининг ҳуқуқий мақоми, фаолиятининг ҳуқуқий асослари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари, уларнинг профессионал фаолиятининг шакллари ва усуллари, депутатлик одоби қоидалари амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ батафсил ёритиб берилган.

Мазкур қўлланма Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг депутатларига мўлжалланган.

Амалий қўлланмадан парламент фаолиятини тадқиқ этувчи илмий изланувчилар, ҳуқуқшунос олимлар ҳамда олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари ва талабалари ҳамда парламент аъзоларининг фаолиятига қизиқувчи кенг жамоатчилик фойдаланиши мумкин.

Кўмак ишлари: Д.Ю.Баратов, А.А.Тешабоев, Х.И.Ботиров, Л.К.Ниёзова, А.И.Юсупов

Ушбу қўлланма Вестминстер Демократия Фонди (WFD) ва Буюк Британия ва Шимолий Ирландия Бирлашган Қироллигининг Ўзбекистондаги элчихонасининг техник ёрдами асосида чоп этилган. Ушбу қўлланмада келтирилган фикрлар ва тавсиялар муаллифларга тегишли бўлиб, WFD ёки элчихонанинг расмий нуқтаи назарини акс эттирмайди.



Britaniya Elchixonasi
Toshkent

© Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси
хузуридаги Қонунчилик муаммолари ва
парламент тадқиқотлари институти, 2020


МУНДАРИЖА

КИРИШ.....	5
I БОБ. ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ ДЕПУТАТИНИНГ ХУҚУҚИЙ МАҚОМИ.....	6
1.1. Депутат тушунчаси, депутатлик мандати.....	6
1.2. Депутат фаолиятининг ҳуқуқий асослари.....	10
1.3. Депутатнинг гувоҳномаси ҳамда кўкрак нишони.....	11
1.4. Депутатнинг ваколат муддати.....	12
1.5. Депутатнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари.....	15
II БОБ. ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ ДЕПУТАТИНИНГ ПРОФЕССИОНАЛ ФАОЛИЯТИ.....	17
2.1. Қонунчилик палатаси депутатининг сиёсий партия фракциясидаги фаолияти.....	18
2.2. Депутатнинг Қонунчилик палатаси кўмитасидаги фаолияти.....	22
2.3. Депутатнинг комиссия таркибидаги фаолияти.....	24
2.4. Қонунчилик палатаси ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари мажлисларида чиқишлар.....	26
2.5. Депутатнинг сайлов округидаги фаолияти, сайловчилар билан учрашув.....	27
2.6. Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш билан боғлиқ фаолият.....	28
2.7. Қонунчилик палатаси депутатининг сўрови.....	30
III БОБ. ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ ДЕПУТАТИНИНГ ЭТИКА ҚОИДАЛАРИ.....	30
3.1. Қонунчилик палатаси, сиёсий партиялар фракциялари, кўмиталар ва комиссиялар мажлисларида депутатлик одоби масалалари.....	30
3.2. Оммавий чиқишлар чоғидаги депутатлик одоби.....	34
3.3. Депутатнинг мақомидан ғайриқонуний равишда фойдаланишга йўл қўйилмаслиги.....	35
3.4. Депутатлик ваколатларини амалга ошириши муносабати билан депутат томонидан олинган маълумотларнинг ошкор этилмаслиги.....	36
3.5. Хизматдан ташқари вақтдаги депутатлик одоби.....	36
3.6. Депутатлик одоби қоидаларини бузиш оқибатлари.....	37
3.7. Депутатнинг ўз шаъни ва кадр-қимматини ҳимоя қилиш ҳуқуқи.....	37
IV БОБ. ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ ДЕПУТАТИ ФАОЛИЯТИНИНГ АСОСИЙ КАФОЛАТЛАРИ.....	38

4.1. Депутатнинг дахлсизлик ҳуқуқи.....	38
4.2. Депутатни дахлсизлик ҳуқуқидан маҳрум қилиш тартиби.....	39
4.3. Депутатнинг меҳнат ҳуқуқлари кафолатлари.....	40

V БОБ. ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ ДЕПУТАТИ ФАОЛИЯТИНИ АХБОРОТ ҲАМДА МОДДИЙ-ТЕХНИКА ЖИҲАТДАН ТАЪМИНЛАШ.41

5.1. Депутатнинг хизмат жойини моддий-техник таъминоти.....	41
5.2. Депутатга хизмат хонаси бериш.....	42
5.3. Депутатнинг транспортда текин юриш ҳуқуқи.....	42
5.4. Депутатга хизмат турар жойи бериш.....	43



КИРИШ

Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси олий давлат вакиллик органи бўлиб, қонун чиқарувчи ҳокимиятни амалга оширади. Унинг давлат ҳокимияти тизимидаги ўрни ва аҳамияти Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, шунингдек Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенати тўғрисидаги Конституциявий қонунларда ўз аксини топган.

Таъкидлаш лозимки, 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси давлат ҳокимияти тизимида Олий Мажлиснинг ролини ошириш борасида чинакам янги босқични бошлаб берди. Ўтган давр мобайнида Олий Мажлиснинг мамлакат ички ва ташқи сиёсатига оид муҳим вазифаларни ҳал этиш ҳамда ижро ҳокимияти фаолияти устидан парламент назоратини амалга ошириш бўйича ваколатлари янада кенгайтирилди ва бу борадаги ишлар давом этиб келмоқда. Бу эса ўз навбатида миллий парламентимиз қуйи палатасида профессионал асосда фаолият юритувчи халқ вакиллари бўлган депутатларга катта масъулият юклайди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2020 йил 20 январда бўлиб ўтган Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг биринчи йиғилишида барча депутатларни халқ ишончини қозониб, шарафли ва ўта масъулиятли лавозимга сайлангани билан муборакбод этар экан, парламентнинг ҳақиқий маънодаги халқ уйига айланишига алоҳида тўхталиб ўтди. Президент ўз нутқида таъкидлаганидек, “ҳар бир депутат беш йил давомида ўз сўзининг устидан тўлиқ чиқиши, партиясининг обрўсини сақлаши учун бугундан бошлаб жиддий ҳаракат бошлаши керак. Халқ вакиллари бўлган депутатлар ўз ваколатига асосланиб, жасур, талабчан ва қатъиятли бўлиши, фуқароларнинг манфаатига хизмат қилмайдиган қонунлар қабул қилинишига йўл қўймаслиги, қонунларни “номигагина кўриб чиқиб, бир овоздан маъқуллаш” деган эски амалиётдан воз кечиб, уларни жиддий ва батафсил муҳокама қилиши лозим”.

Қисқа қилиб айтганда “депутатлик – бу одамдан жуда катта интеллектуал салоҳият, тинимсиз меҳнат, изланиш ва масъулият талаб қиладиган фаолиятдир”.

Одатда махсус юридик маълумот ёки тайёргарликка эга бўлмаган депутатларнинг ўзининг ҳуқуқий мақоми, фаолиятининг ҳуқуқий ва амалий жиҳатларини тушуниши бироз қийин. Шу муносабат билан, таклиф этилаётган қўлланма депутатларнинг ўз депутатлик ваколатларини янада фаолроқ ва юқори профессионал даражада амалга оширишларига кўмаклашиш учун ишлаб чиқилган.

«Мақом» деганда норматив-ҳуқуқий ҳужжат билан белгилаб қўйилган ҳокимият, ташкилот, жамоат бирлашмаси, мансабдор шахс, фуқаро (шахс)нинг ҳолати (ҳуқуқий ҳолати) тушунилади.

«Депутатнинг мақоми» – олий давлат вакиллик органи аъзоларининг ҳуқуқий мақоми бўлиб, у тегишли ҳуқуқий нормалар билан белгиланади ва депутатлик ваколатларининг бошланиши, тугаши ҳамда муддати, улар фаолиятининг кафолати ва албатта, масъулияти билан боғлиқдир.

Қўлланма устида ишлаш жараёнида депутатлар фаолиятининг амалий жиҳатлари, уларнинг самарали фаолият кўрсатиши учун шароит яратиб берадиган кафолатлар ва имтиёزلарга эътибор қаратилган. Шунингдек, депутатлик одоби қоидаларига риоя этиш масалалари ҳам кенг ёритилган.

I БОБ. ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ ДЕПУТАТИНИНГ ҲУҚУҚИЙ МАҚОМИ

1.1. Депутат тушунчаси, депутатлик мандати

Профессионал парламент фаолияти, энг аввало мамлакатда амалга оширилаётган ислохотларни қонуний таъминлашга қаратилган. «Депутат» атамаси аслида “элчи” маъносини англатади. Кенг маънода бу – халқ томонидан қонунчилик ҳокимиятини, яъни умуммажбурий хулқ-атвор қоидаларини белгилашни амалга ошириш ҳуқуқи берилган вакилдир.

Фуқаролар, жамият ва давлат қандай қоидалар асосида яшаши Парламент аъзоларининг профессионаллик даражасига боғлиқ.

Депутат – (лот. *deputatus* – вакил этилган) давлат ҳокимияти вакиллик органларида қонун чиқарувчи ҳокимият ва бошқа ваколатларни амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлган халқ томонидан сайланган вакилдир.

Қонунчилик палатасига сайланган ва Ўзбекистон Республикасининг Сайлов кодексига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси томонидан рўйхатга олинган Ўзбекистон Республикаси фуқароси **депутат** ҳисобланади.

Қонунчилик палатаси қонунларни ишлаб чиқадиган ва қабул қиладиган профессионал орган ҳисобланади.

Ушбу мезонлар миллий давлат манфаатлари мувозанатини таъминлашнинг амалдаги тизимини, мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ҳаётида ўз вакиллари орқали аҳолининг кенг иштирок этиш имкониятларини белгилайди.

**ОЛИЙ МАЖЛИС ҚУЙИ ПАЛАТАСИ
ҲИСОБЛАНГАН ҚОНУНЧИЛИК
ПАЛАТАСИНING ИШИ ПАЛАТА
БАРЧА ДЕПУТАТЛАРИНИНГ
ПРОФЕССИОНАЛ, ДОИМИЙ
ФАОЛИЯТ КЎРСАТИШИГА
АСОСЛАНАДИ**



Қонун чиқарувчи ҳокимиятни янада мустаҳкамлаш мақсадида депутатларга аҳоли ҳаёти ва эҳтиёжларини чуқур ўрганиш, мамлакатда амалга оширилаётган ислохотларга таъсир кўрсатиш учун кенг имкониятлар яратиб берилган.

Қонунчилик палатаси ваколатларини амалга оширишда депутатларнинг профессионал фаолиятини белгилаш, уларнинг халқ манфаатларини ҳимоя қилиш механизмларини такомиллаштириш депутатнинг замонавий қиёфасини белгилаб беради.

Халқ вакиллари сифатида улар халқ ва ўз сайловчилари номидан чиқиш ва ҳаракат қилиш ҳуқуқига эга.

Қонунчилик палатаси депутати ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси томонидан рўйхатга олинган ва тегишли гувоҳнома тақдим этилган пайтдан бошлаб амалга оширади.

Айни бир шахс бир пайтнинг ўзида Қонунчилик палатаси депутати ва Сенат аъзоси бўлиши мумкин эмас.

Депутат мандати (лот. “mandatum” – топшириқ) сайловчилар томонидан уларнинг номидан Қонунчилик палатасида ҳаракат қилиш учун берилган ваколатни билдиради. Олий Мажлис Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимиятининг олий вакиллик органи эканлигини эътиборга олган ҳолда айтиш мумкинки, депутатлик мандати депутатнинг парламент аъзоси сифатида парламент қўйи палатасининг қарор қабул қилишида иштирок этиши орқали уни сайлаган аҳоли манфаатларини ифодалайди.

Императив мандатга кўра сайловчилар ўз депутатларига бажарилиши шарт бўлган топшириқлар бера оладилар. Улар ишончни оқламаган депутатларни муддатидан олдин вазифасидан чақириб олишлари мумкин.

Умумий (эркин) мандатга кўра, депутат ўз номидан чиқиш қилар экан, ўзини сайлаган сайловчиларнигина манфаатини ҳимоя қилмасдан, мамлакатнинг барча фуқаролари манфаатларини ифода этади. Эркин мандатга эга депутатлар ўз сайловчиларининг топшириғига боғланиб қолмайдилар, улар олдида ҳисоб бермайдилар, сайловчилар депутатни муддатидан олдин вазифасидан чақириб олиш имкониятига эга бўлмайдилар. Чунки депутат сайловчиларнинг алоҳида гуруҳининг эмас, балки бутун халқнинг, бутун миллатнинг вакили ҳисобланади. Масалан, Италияда «парламентнинг ҳар бир аъзоси бутун миллатнинг вакили ҳисобланади ва ўз вазифаларини мажбурий мандатсиз бажаради» (Италия Конституциясининг 67-моддаси).



ДЕПУТАТ ЎЗ ОКРУГИ САЙЛОВЧИЛАРИ, УНИ ДЕПУТАТЛИККА НОМЗОД ҚИЛИБ КЎРСАТГАН СИЁСИЙ ПАРТИЯ БИЛАН АЛОҚА БОҒЛАБ ТУРАДИ, ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА УЛАРНИНГ МАНФААТЛАРИНИ ИФОДА ЭТАДИ

Шундай қилиб, Ўзбекистонда депутатлик мандати императив (мажбурий)ликка асосланган ҳамда у депутатнинг сайловчилар билан бўлган муносабатларидаги ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва масъулиятини белгилайди.

Сайловчиларга, уларнинг муурожаатларига эътиборли бўлиш, уларда кўтарилган масалаларни қонун доирасида ҳал этиш депутатларга ишончни ошириш ва умуман вакиллик органларининг обрўсини кўтариш воситаси ҳисобланади.

Ўз вазифаларини бажариш давомида депутат уни депутатликка номзод этиб кўрсатган сиёсий партиянинг олдида ҳам масъулдир.



Депутат ва уни депутатликка номзод қилиб кўрсатган сиёсий партия ўртасидаги муносабатлар партия манфаатларини ифодалаш, тегишли фракциядаги фаолиятни амалга ошириш, партия олдидаги бошқа мажбуриятларини бажаришдир.

Шундай қилиб, мандат депутатнинг тўлиқ ҳаракат эркинлигини билдирмайди. Халқ вакилининг фаолияти партиянинг Қонунчилик палатасидаги фракцияси таркибида партиянинг низоми ва дастурий вазифаларига мувофиқ ҳолда, шунингдек сайлов округида сайловчилар билан ишлашига боғлиқ.

Айни пайтда депутат фракция ёки Палата йиғилишида муҳокама қилинаётган масала юзасидан эркин овоз бериш ҳуқуқига эгадир.

Ўзбекистон Республикасининг “Халқ депутатлари маҳаллий Кенгаши депутатини, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатини ва Сенати аъзосини чақириб олиш тўғрисида”ги Қонунида қонун ҳужжатларини, ахлоқ ва депутатлик одоби нормаларини бузган, ўз вазифаларини мунтазам равишда бажармаётган депутатни чақириб олиш зарурлиги тўғрисидаги қарор тегишинча халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгаши, Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинади. Ушбу ҳуқуқ ўз вазифаларини мунтазам равишда бажармаётган ва одоб-ахлоқ нормаларини бузган депутатга нисбатан бошқа таъсир чоралари фойда бермагандан сўнг энг охириги чора сифатида қўлланилади.

Шундай қилиб, қайд этишимиз керакки, депутат мандати ўзига хос хусусиятларга эга.

Депутат, унинг номзодини парламентга кўрсатган ўз сиёсий партияси ва халқ (сайловчилари) билан доимий алоқада бўлиши керак. Мазкур қоида “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатининг ва Сенати аъзосининг мақоми тўғрисида”ги Қонун нормалари билан тартибга солинади.



Юқорида таъкидланганидек, Ўзбекистон Республикасидан фарқли ҳолда айрим чет эл давлатларида депутатлик мандати конституция нормаларида мустақамлаб қўйилган. Масалан, Германия, Франция, Италиянинг асосий қонунларида депутатларнинг ваколоти алоҳида сайловчиларнинг манфаатларини эмас, балки бутун халқ манфаатларини ифодалаш билан (умумий (эркин) мандат), яъни депутатлик фаолиятини амалга оширишда сайловчилардан мустақиллиги ва уларга боғлиқ эмаслиги билан белгиланади.

1.2. Депутат фаолиятининг ҳуқуқий асослари



Депутат мақоми Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва бир нечта қонун ҳужжатлари билан белгиланади. Булар:

1

“Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатининг ва Сенати аъзосининг мақоми тўғрисида” ги Қонун

2

“Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида” ги Қонун

3

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг 2016 йил 29 январдаги 368-III-сон қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Регламенти” ва бошқалар

“Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатининг ва Сенати аъзосининг мақоми тўғрисида” ги қонун 2004 йил 2 декабрда қабул қилинган бўлиб, унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати тушунчаси, ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва фаолиятининг асосий кафолатлари белгиланган.

Бундан ташқари, қонун депутатнинг ваколат муддатини белгилайди, сайлов округида сайловчилар ҳамда сиёсий партиялар билан ишлаш тартибини мустаҳкамлайди. Бунда сайлов округида депутатларнинг ишлаш тартиби ва жойлардаги ҳокимият органларининг сайлов округида депутатлар фаолиятини ташкил этишга кўмаклашиш мажбуриятлари аниқ белгиланган.

Алоҳида модда депутатлик этикаси масалаларига бағишланган. Депутатларнинг ижтимоий кафолатлари меҳнат соҳасидаги имтиёзлар, моддий, маиший ва транспорт хизматларини кўрсатиш шаклида тақдим этилади.

Қонун томонидан белгилаб қўйилган парламент аъзоларининг ҳуқуқ ва имтиёзлари улар эркинлиги мустақил фаолиятининг асосий кафолатидир.

1.3. Депутатнинг гувоҳномаси ҳамда кўкрак нишони

Депутатнинг гувоҳномаси депутатнинг ваколати ва шахсини тасдиқловчи ҳужжат ҳисобланади.

Депутатнинг кўкрак нишони депутатлик мақомига эга бўлган мансабдор шахс сифатида ажратиб турувчи белги ҳисобланади.

Кўкрак нишони кўкракнинг чап томонига тақилади.

Гувоҳнома ва кўкрак нишони депутат Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси томонидан рўйхатга олинганидан кейин Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси Раиси ёки у ваколат берган шахс томонидан топширилади.

Депутат ўз ваколатларини амалга ошираётганда гувоҳномасини кўрсатиб, Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга монеликсиз кириш ҳуқуқидан, шунингдек уларнинг раҳбарлари ҳамда бошқа мансабдор шахслари томонидан дарҳол қабул қилиниш ҳуқуқидан фойдаланади.

Фаолияти давлат сири ҳамда қонун билан қўриқланадиган бошқа сир билан боғлиқ корхоналар, муассасалар, ташкилотларга депутатнинг кириш тартиби қонунда белгиланади.

Депутат гувоҳнома ва кўкрак нишонидан ўз ваколатлари муддати давомида фойдаланади.

Депутатнинг гувоҳнома ва кўкрак нишонини олиб қўйиш ёки бошқа шахсларга бериш тақиқланади.

Депутатнинг ваколат муддати тугаганидан кейин гувоҳнома ва кўкрак нишони ўз кучини йўқотган деб ҳисобланади ҳамда депутатлик ваколатини ўтаган шахсда эсдалик сифатида қолади.



Депутатнинг ваколати муддатидан илгари тугатилган тақдирда гувоҳнома ва кўкрак нишони Қонунчилик палатаси девони орқали ўн кундан кечиктирмай Марказий сайлов комиссияси Котибиятига қайтарилади.

1.4. Депутатнинг ваколат муддати

Қонунчилик палатаси депутати 5 йил муддатга сайланади. Ушбу муддат нисбатан оптимал ҳисобланади. Бундан қисқароқ муддатда депутатнинг ўз олдига қўйилган вазифаларини, сайловолди дастурини тўлиқ бажариш имконияти бўлмайди ва аксинча, 5 йилдан ортиқ белгиланган муддат депутат фаолиятининг сусайишига, сайловчилар билан алоқалар йўқолишига олиб келиши мумкин. Кўпроқ муддат белгиланган ҳолатларда депутатнинг масъулиятсизлиги ошиши хавфи таъкидланган.



Қонунчилик палатаси
депутати 5 йил
муддатга сайланади

Депутатнинг ваколат муддати унинг ваколатларини амалга ошириш, дахлсизлиги ва амалдаги қонунчиликда назарда тутилган бошқа кафолатлар муддати билан белгиланади

Турли мамлакатлардаги депутатларнинг ваколат муддати Ўзбекистон Республикасидагидан катта фарқ қилмайди. Масалан, Россия Федерацияси ва Канадада – 5 йил, Беларусь Республикаси, Германия ва Японияда – 4 йил ва ҳ.к.

Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимида икки муддатдан ортиқ муддатга сайланиш билан боғлиқ конституциявий чекловдан фарқли ўлароқ, депутатларга нисбатан бундай чекловлар қўйилмаган.

Амалда депутатнинг ваколат муддати Қонунчилик палатасининг биринчи мажлиси кунидан бошланади ва янги чақириқ биринчи мажлисига қадар давом этади.

Депутатнинг ваколатлари қуйидаги ҳолларда муддатидан илгари тугатилади:

У ўз ваколатларини зиммасидан соқит қилиш ҳақида ёзма ариза берган тақдирда

*(меҳнат эркинлиги конституциявий принципидан келиб чиққан ҳолда,
фақат депутатнинг ўз ташаббуси ва ихтиёрий қарорига асосланади)*

У қонунга кўра депутатлик ваколатларини амалга оширишга номувофиқ бўлган лавозимга сайланган ёки тайинланган тақдирда

*(қонун ҳужжатларига мувофиқ депутатлар ваколати давомида илмий ва
педагогик фаолиятдан ташқари бошқа ҳақ тўланадиган фаолият билан
шуғулланишига доир чекловлардан келиб чиқади)*

Унга нисбатан суднинг айблов ҳукми қонуний кучга кирган тақдирда

*(бунда содир этилган жиноят қанчалик оғир эканлиги муҳим эмас. Шу
билан бирга, таъкидлаш лозимки депутатнинг судланганлиги, унинг
профессионал фаолиятига баҳо бериш эмас)*

У чақириб олинган тақдирда

*(депутатнинг профессионал фаолиятининг йўл қўйиб бўлмайдиган
даражада самарасизлиги сабабли. Депутатнинг ваколат муддати партия
ва сайловчилар билан мустаҳкам алоқаларни ўрнатиши, ўз депутатлик
вазифаларини виждонан бажариши билан бевосита боғлиқдир)*

Суд уни муомалага лаёқатсиз деб топган тақдирда

*(суд тартибида белгиланган депутатнинг соғлиги ҳолатига кўра ўз
ваколатларини амалга оширишга қодир эмаслиги)*

У суднинг қонуний кучга кирган қарори асосида бедарак йўқолган деб топилган ёхуд вафот этган деб эълон қилинган тақдирда

(суд қарорига биноан)

У Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини йўқотган тақдирда

*(Ўзбекистон Республикасининг вакиллик органларига сайлаш ва сайланиш
ҳуқуқига тўсқинлик қилади)*

У вафот этган тақдирда

(Ўлим ҳақидаги гувоҳнома ёки тегишли суд қарорига асосан)

Палата тарқатиб юборилган тақдирда

(Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони асосида амалга оширилади)

Истисно ҳолатларда – Қонунчилик палатасининг қарорига биноан депутат деган юксак номга доғ туширувчи хулқ-атвори сабабли

(Депутат умумий ахлоқ меъёрларини, депутатлик этикасини қўпол тарзда бузган, шунингдек ваколатли давлат ҳокимият органларининг обрўсига пўтур етказадиган қоидабузарликларни содир этган ҳолатда)

Юқорида қайд этилганидек, депутат Қонунчилик палатасида доимий асосда ишлаши лозим ҳамда ўз ваколатлари даврида илмий ва педагогик фаолиятдан ташқари ҳақ тўланадиган бошқа турдаги фаолият билан шуғулланиши мумкин эмас.

Ушбу қоидага амал қилмаган тақдирда депутат ихтиёрий равишда истеъфога чиқиши керак.

Ваколатларни муддатидан илгари бекор қилувчи асосларнинг қонунчиликда белгиланган рўйхати қатъийдир ва кенг талқин қилиниши мумкин эмас.



Депутатнинг ваколатларини бошқа шахсга топшириши мумкин эмас

1.5. Депутатнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

Депутатнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари унинг ҳуқуқий мақомининг асосий элементлари ҳисобланади. Ушбу мақом унга Қонунчилик палатасининг қонунчилик ва бошқа фаолиятида эркин иштирок этишини таъминлайди.

Амалдаги қонунчилик билан Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва конституциявий қонунларида белгиланган Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг конституциявий ваколатларидан келиб чиқадиган депутатларнинг ваколатлари ҳамда функционал мажбуриятлари белгиланган.

Ҳар бир депутатнинг асосий вазифаси қонун ижодкорлиги ва Қонунчилик палатасининг бошқа функцияларини амалга оширишда халқ манфаатларини ифодалаш ва уларни умумдавлат манфаатлари билан уйғунлаштиришда иштирок этишдан иборатдир.

Депутатнинг ҳуқуқлари ва вазифалари икки асосий йўналишда амалга оширилади: Қонунчилик палатаси ва сайлов округида.

Қонун ижодкорлиги соҳасида – қонунчилик ташаббуси билан чиқишдан бошлаб, қонун лойиҳаси концепциясини ишлаб чиқиш ва тайёрланган қонун лойиҳасини Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилингунига қадар бўлган бир нечта босқични ўз ичига олади.

Парламент назорати соҳасида – “Парламент назорати тўғрисида”ги Қонунда парламент назоратининг бир неча шакллари назарда тутилган бўлиб, мунтазам амалга оширилади.

Қонун ижодкорлиги ва парламент назорати соҳаларидаги депутатнинг фаолияти сайлов округида сайловчилар билан ишлаш бўйича ваколатлари билан чамбарчас боғлиқ.



Бундай фаолият одамлар билан ўзаро тушуниш ва мулоқот қилишнинг энг самарали усулларида бири бўлиб, мавжуд муаммоларни дарҳол аниқлаш орқали парламент назорати ва қонунчилик фаолияти сифатини кўтаришга қаратилгандир.

Мазкур ваколатларни амалга ошириш тартиби Қонунчилик палатаси Регламенти билан белгиланади.

Депутатлар фаолиятини юқорида санаб ўтилган соҳаларга бўлинишини ҳисобга олган ҳолда уларнинг ваколатларини қуйидагича тақсимлаш мумкин.

Қонун ижодкорлиги фаолияти соҳасида:

қонунчилик ташаббуси ҳуқуқини амалга ошириш;
палата таркибидаги ўзи аъзо бўлган тегишли органнинг қарорига қўшилмаган тақдирда ўз нуқтаи назарини палата мажлисида баён қилиш ёки бу ҳақда тегишинча Қонунчилик палатасининг Спикерига ёзма равишда маълум қилиш;

қарор лойиҳалари ва уларга тузатишлар киритиш;
мунозараларда иштирок этиш, маърузачи ва раислик қилувчига саволлар бериш.

Парламент назорати соҳасида:

палатага ҳисобдор ёки унинг назорати остидаги ҳар қандай орган ёхуд мансабдор шахснинг ҳисоботи ёки ахборотини палата мажлисларида эшитиш тўғрисида таклиф киритиш;

Ўзбекистон Республикаси қонунларининг ижро этилишини, шунингдек палата қарорларининг бажарилишини текшириш ҳақида кўриб чиқиши учун масалалар таклиф этиш;

палата мажлисларининг стенограммалари билан танишиш;
фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан муҳофаза қилинадиган манфаатларини бузиш ҳоллари ёки қонун ҳужжатларини бузишнинг бошқа ҳоллари маълум бўлиб қолган тақдирда уларга дарҳол чек қўйиш чораларини кўриш талаби билан тегишли органлар ҳамда мансабдор шахсларга мурожаат этиш.

Сайлов округида ишлаш соҳасида:

Давлат органлари
вакиллари иштирокида
сайловчилар билан
учрашувларни
ўтказиш



Давлат идораларига
сўров билан мурожаат
этиш

Депутатлар фаолиятининг яна бир йўналиши мавжуд.

Қонунчилик палатаси фаолиятини ташкилий таъминлаш, ички ташкилий масалаларни кўриб чиқиш билан боғлиқ ваколатлар:

Қонунчилик палатасининг Спикери, унинг биринчи ўринбосари, ўринбосарлари, қўмиталарнинг раислари ва уларнинг ўринбосарларини сайлаш;

Регламентни қабул қилиш ва Қонунчилик палатаси фаолиятини ташкил этиш ва ички тартиб қоидалари билан боғлиқ масалалар юзасидан қарорларни қабул қилиш ва бошқа масалаларни ҳал этиш.

Депутатнинг вазифалари Қонунчилик палатасининг асосий функцияларини бажариш билан чамбарчас боғлиқдир.

Депутат тегишинча Қонунчилик палатасининг мажлисларида, шунингдек палатанинг қайси қўмитаси, комиссияси таркибига, келишув комиссияси таркибига сайланган бўлса, шу қўмита, комиссиянинг мажлисларида қатнашиши, овоз беришида Қонунчилик палатасининг регламентида белгиланган тартибда шахсан иштирок этиши шарт

Қонунчилик палатаси, қўмита, комиссия, келишув комиссияси мажлисида иштирок этиш имконияти бўлмаган тақдирда депутат бу ҳақда тегишинча Қонунчилик палатасининг Спикерига, қўмита, комиссия раисига, келишув комиссиясининг тегишли палатадан сайланган ҳамраисига олдиндан хабар қилиши шарт.

II БОБ. ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ ДЕПУТАТИНИНГ ПРОФЕССИОНАЛ ФАОЛИЯТИ

Қонунчилик палатаси фаолияти кўппартиявий тизим, очиқ муҳокама қилиш ва жамоавий қарор қабул қилиш принципларига асосланган ҳолда Қонунчилик палатаси мажлиси тарзида олиб борилади.

Қонунчилик палатасининг фаолиятини самарали ташкил этиш мақсадида Қонунчилик палатаси Кенгаши тузилади.



Кенгаш зарурат бўлганда палата мажлислари оралигида йиғилади. Қонунчилик палатаси Кенгашининг таркибига Қонунчилик палатаси Спикери, унинг биринчи ўринбосари, ўринбосарлари, фракциялар раҳбарлари, Қонунчилик палатаси кўмиталарининг раислари киради. Қонунчилик палатасининг Кенгаши ўз ваколатига кирувчи масалалар юзасидан аъзолари умумий сонининг кўпчилик овози билан қарорлар қабул қилади.

Қонунчилик палатаси фаолиятининг асосий қисми фракцияларнинг фаолиятига асосланади. Қонунчилик палатасининг ҳар бир депутати унинг номзодини кўрсатган сиёсий партиянинг фракцияси аъзоси ҳисобланади, шунингдек маълум кўмита, комиссия таркибида бўлиши шарт.

2.1. Қонунчилик палатаси депутатининг сиёсий партия фракциясидаги фаолияти

Жаҳон амалиётида Қонунчилик палатаси механизмининг амалдаги фаолияти палатада сиёсий партиялар фракциялари мавжудлиги билан бевосита боғлиқ. Эътироф этиладики, Қонунчилик палатасидаги депутатлик фракцияси у вакиллик қилаётган сиёсий партиянинг ривожланишида ҳам жуда муҳим роль ўйнайди. Сиёсий партиянинг мавқеи ва унинг мамлакатдаги ижтимоий-иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий вазиятни ривожлантиришдаги роли фракциянинг қонунчилик фаолиятининг самарадорлиги ва сифатига, унинг фаоллигига бевосита боғлиқ.

Қонунчилик палатасида депутатлар ўз сиёсий партиясининг манфаатларини ифодалаш ва унинг сиёсатини ўтказиш мақсадида **фракцияларга** бирлашадилар. Фақатгина сиёсий партиялар номзодларни кўрсатиш ҳуқуқига эга эканлигини эътиборга олган ҳолда барча сайланган депутатлар тегишли фракциялар ўртасида тақсимланади. Амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ партия етакчиси, қоида тариқасида, фракциянинг раҳбари этиб сайланади ва Спикер ўринбосари лавозими эгаллаш учун кафолатли ҳуқуққа эга.

Депутатлар фракциянинг ваколатлари доирасига кирадиган ваколатлардан фойдаланган ҳолда ўзларининг профессионал фаолиятларини ташкил этишади.

Сиёсий партия фракцияси таркибида депутатнинг ваколатлари:

- 1) Қонунчилик палатаси мажлисининг кун тартиби, муҳокама қилинаётган масалаларни кўриб чиқиш тартиби ва моҳияти юзасидан таклифлар ҳамда фикр-мулоҳазалар киритади**
- 2) Қонунчилик палатаси мажлисида муҳокама қилинаётган ҳар бир масала юзасидан мунозараларда фракция вакилига кафолатланган тарзда сўз берилиши ҳуқуқидан фойдаланади**
- 3) Келишув комиссияси ва бошқа комиссиялар тузиш тўғрисида масала кўяди**

4) Қонунчилик палатаси мажлисида давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг мансабдор шахсларига уларнинг тасарруфига кирадиган масалалар юзасидан асослантирилган тушунтириш бериш ёки ўз нуқтаи назарини баён қилиш талаби билан мурожаат этади

5) Қонунчилик палатаси мажлисида муҳокама қилинаётган масала юзасидан фракциянинг фикрини депутатлар ўртасида тарқатади

6) Кенгашнинг, қўмиталар ва комиссияларнинг ишида иштирок этади

7) Қонунчилик палатасида муҳокама қилинаётган қонун лойиҳалари ва қарорларнинг лойиҳалари юзасидан ўз фикрлари ва таклифларини киритади

8) Қонунчилик палатаси мажлисида ҳукумат аъзоларини уларнинг фаолияти масалалари юзасидан эшитиш тўғрисида масала қўяди

9) Фракциянинг фаолияти учун зарур материаллар ва ҳужжатларни давлат органлари ҳамда уларнинг мансабдор шахсларидан талаб қилиб олади

Демак, фракция бўйича депутатлик фаолияти кўп қиррали бўлиб, қонунчилик, назорат ва таҳлил, парламент назорати соҳасидаги фаолият, шунингдек, сайловчилар билан ишлаш ва партия сиёсатини олиб бориш каби парламент фаолиятининг деярли барча соҳаларини ўз ичига олади.

Мисол учун, қонун лойиҳаларини тайёрлаш билан боғлиқ фаолият ҳақида гапирадиган бўлсак, уни масъул қўмита билан бир вақтнинг ўзида фракциялар томонидан амалга оширилишини таъкидлаш керак. Масалан, қонун лойиҳаси устида ишлаш жараёнида (барча босқичларида) фракциялар сиёсий партияларнинг ҳудудий ташкилотлари иштирокида партия аъзолари ва бошқа фуқаролар ўртасида уни муҳокама қилишни, келиб тушган таклифларни ўрганиб чиқишни ташкил этади. Тадқиқот натижаларига кўра партиянинг дастурий мақсадли вазифаларидан келиб чиқиб, фракцияларнинг депутатлари ўз йиғилишларида таклифлар ишлаб чиқади ва фракциянинг номидан масъул қўмитага йўллайди. Фракциянинг қонун лойиҳасини дастлабки кўриб чиқишда иштирок этиш ҳуқуқи «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида»ги Конституциявий қонунда назарда тутилган.

Ўзбекистон Республикасининг «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги Қонунига кўра, «янгитдан шакллантирилган ҳукуматнинг тутган йўли ва дастурига ёки унинг айрим йўналишларига қўшилмайдиган сиёсий партиялар фракциялари ўзларини муҳолифат деб эълон қилиши мумкин».



Депутат ўзи аъзо бўлган фракция йиғилишларида иштирок этиши шарт

Сиёсий тизимда мухолифатнинг мавжудлиги ва унинг ривожланиш даражаси, озчиликнинг манфаатларини ифода этиш ва ҳимоя қилиш қобилияти демократия сифатининг муҳим кўрсаткичларидан бири саналади. Шунинг учун, давлат парламентда қабул қилинган қарорлар кўпчилик овози билан қабул қилинганлигини ва мухолифат одатда озчиликни ташкил қилганлигини ва шу сабабли қарорлар қабул қилишга ваколати йўқ эканлигини ҳисобга олган ҳолда қонунчиликда қўшимча ваколатлар ва фаолиятни кафолатлаш орқали мухолифатни қўллаб-қувватлашга ҳаракат қилади.

Умуман олганда, бугунги кунда ривожланган мамлакатларда кенг кўламли демократия модели мавжуд бўлиб, унда сиёсий мухолифат парламентда кўпчиликка қарши туриш ва муқобилликка эришиш учун кенг имкониятларга эга. Ғарб мамлакатларида мухолифат позицияси қонун билан мустаҳкамланган ва ҳимояланган. Парламентлардаги уюшган сиёсий мухолифат Европа Кенгашининг барча 48 аъзо давлатларида амал қилади.

Ўзбекистон Республикасида, мухолифат деб эълон қилган фракцияга аъзо бўлган депутатлар «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ, мухолифатдаги фракцияларга қонун томонидан берилган қўшимча ваколатлар асосида қўшимча имкониятлардан фойдаланадилар.

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг регламенти тўғрисида»ги Қонунига кўра, ўзини парламентдаги мухолифат деб эълон қилган фракция қонунда фракциялар учун назарда тутилган ваколатлар билан бир қаторда қуйидаги ҳуқуқларга эга:

қонун лойиҳаси биринчи ўқишда кўриб чиқилгунига қадар ўша масалага доир қонун лойиҳасининг, шунингдек Қонунчилик палатаси қарори лойиҳасининг муқобил таҳририни киритиш;

муҳокама этилаётган масалалар юзасидан ўзининг алоҳида фикрини Қонунчилик палатасининг ялпи мажлиси баённомасига киритиш;

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати томонидан рад этилган қонун бўйича келишув комиссиясида ўз вакилларининг кафолатли иштирок этиши.

Парламентдаги муҳолифатнинг қонун билан кафолатланган ҳуқуқлари парламентдаги кўпчилик томонидан камситилиши мумкин эмас.

Депутатларнинг сайловчилар билан учрашувларини ташкил этишида фракциялар бевосита иштирок этадилар.



Сиёсий партиялар фракциялари қонунларни амалга оширишнинг муайян масалаларини ишлаб чиқиш, давлат дастурлари ва ўз дастурий мақсадларини амалга ошириш зарурати бўлганда депутатларнинг сайлов округларида сайловчилар билан ишлашнинг ташкил этилиши мумкин.

«Сиёсий партиялар тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ, сиёсий партия томонидан Қонунчилик палатасининг депутати билан келишилган ҳолда партиянинг тегишли сайлов округидаги ҳудудий бўлими ходимлари орасидан жамоатчилик асосида ишловчи вакил ажратиб берилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатининг вакили:

депутатнинг сайлов округидаги ўз сайловчилари билан доимий алоқа ўрнатишига кўмаклашади;

сайлов округида жисмоний ва юридик шахсларнинг депутат номига келиб тушган мурожаатларини рўйхатдан ўтказиши ва бу ҳақда депутатни хабардор қилади;

депутат томонидан жисмоний шахсларни ва юридик шахсларнинг вакилларини қабул қилишга, шунингдек депутатнинг сайловчилар билан учрашувларини ташкил этишига кўмаклашади;

депутатнинг топшириғига кўра сайлов округи ҳудудида депутатнинг ваколатларини амалга ошириш билан боғлиқ ишларни ташкил этиши;

депутатнинг ўз ваколатларини амалга оширишга доир бошқа топшириқларини бажаради.

2.2. Депутатнинг Қонунчилик палатаси қўмитасидаги фаолияти

Қонун лойиҳаларини тайёрлаш ишини олиб бориш, Қонунчилик палатаси муҳокамасига киритиладиган масалаларни дастлабки тарзда кўриб чиқиш ва тайёрлаш, Ўзбекистон Республикаси қонунлари ҳамда палата томонидан қабул қилинадиган қарорларнинг ижросини назорат қилиш учун Қонунчилик палатаси томонидан унинг депутатлари орасидан палатанинг ваколатлари муддатига раис, унинг ўринбосари ва аъзолардан иборат таркибда қўмиталар тузилади.

Қонунчилик палатасида қўмита раиси, унинг ўринбосари ва қўмита аъзолари лавозимлари депутатларнинг қайси партиёга мансублигини ҳамда сайловда сайловчиларнинг қанча овозини олганлигини инобатга олган ҳолда яхлит (умумий) қарор билан белгиланади.

Қонунчилик палатасида қуйидаги қўмиталар тузилиши шарт:

- Бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмитаси;
- Коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси;
- Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси;
- Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси;
- Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитаси;
- Инновацион ривожланиш, ахборот сиёсати ва ахборот технологиялари масалалари қўмитаси;
- Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари қўмитаси.

Қонунчилик палатасида бошқа қўмиталар ҳам тузилиши мумкин.

Қонунчилик палатаси қўмиталарининг умумий сони, қоида тариқасида, ўн биттадан ошмаслиги керак.

Қонунчилик палатаси депутати фақат бир қўмитанинг аъзоси бўлиши мумкин.

Қўмиталар, қоида тариқасида, тегишли фракциядаги депутатлар сонига қараб фракцияларнинг мутаносиб вакиллик принципи асосида тузилади.

Қўмита раисининг лавозими сиёсий партиёлар фракциялари ўртасида тақсимланади.

Қўмиталар парламентнинг доимий органлари бўлиб, ўз фаолиятини палаталарнинг регламентларига биноан амалга оширади.

Қонунчилик палатаси қўмиталарининг барча аъзолари тенг ҳуқуқлардан фойдаланадилар.

Қўмиталар кўриб чиқилаётган масалаларни жамоавий, очиқ ва эркин муҳокама қилиш асосида ўз ишларини ташкил этишади.

Қўмита таркибига сайланмаган депутат унинг ишида маслаҳат овози ҳуқуқи билан иштирок этишга ҳақли. Маслаҳат овози ҳуқуқи депутатлар қўмита мажлисида кўриб чиқиладиган масалаларни муҳокама қилишда бевосита иштирок этишлари мумкинлигини, бироқ бу масалалар бўйича овоз бериш ҳуқуқига эга эмаслигини билдиради.

Қўмита фаолияти доирасида депутатлар қонун ижодкорлиги ва назорат-таҳлил фаолияти соҳасида ўз ваколатларини амалга оширган ҳолда қуйидагиларни қамраб олади:



ўз ташаббуси билан ёки Қонунчилик палатасининг топшириғига биноан Ўзбекистон Республикаси қонунларининг ҳамда ўзининг ваколатларига кирадиган масалалар юзасидан Қонунчилик палатаси бошқа қарорларининг лойиҳаларини ишлаб чиқиш;

қонун лойиҳаларининг дастлабки тарзда кўриб чиқилишини ва уларни Қонунчилик палатасида кўриб чиқишга тайёрлашни амалга ошириш;

қонунларнинг лойиҳалари юзасидан хулосалар бериш, қонун лойиҳасини Қонунчилик палатасининг мажлиси кун тартибига киритиш, унинг устида ишлашни давом эттириш ёки асослантирилган ҳолда уни рад этиш тўғрисида Кенгашга таклифлар киритиш;

навбатдаги йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисидаги қонун лойиҳаси ва бюджетномани дастлабки тарзда кўриб чиқиш ҳамда фикрлар ва таклифлар ишлаб чиқиш;

қонунчилик палатасининг топшириғига ёки палата Кенгашининг тавсиясига биноан муайян қонун лойиҳаси ёки палата ваколатларига кирадиган бошқа масала юзасидан масъул бўлиш;

киритилган қонун лойиҳаларини кўриб чиқиш бўйича ишчи гуруҳлари тузиш, уларнинг таркибига давлат органлари ва нодавлат ноижорат ташкилотларининг, илмий муассасаларнинг вакилларини, мутахассислар ва олимларни, хўжалик юритувчи субъектларнинг раҳбарларини жалб этиш;

қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъектлари вакилларининг улар томонидан киритилган қонун лойиҳасига тааллуқли масалалар юзасидан фикрларини эшитиш;

киритилган Ўзбекистон Республикаси қонунлари, шунингдек Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинаётган қарорлар матнига ўзгартиш ёки қўшимчалар киритиш юзасидан таклифлар тайёрлаш;

давлат органлари ва бошқа ташкилотлардан, мансабдор шахслардан ҳужжатларни, эксперт хулосалари, статистика маълумотлари ва бошқа маълумотларни талаб қилиш;

давлат органлари, хўжалик бошқаруви органлари раҳбарларининг

улар томонидан қонунларга риоя этилиши, Қонунчилик палатаси ва унинг Кенгаши, Қонунчилик палатаси қўмиталари қарорларининг бажарилиши тўғрисидаги ахборотини.

Бундан ташқари, Қонунчилик палатаси қўмитаси таркибидаги депутатлар ўзларининг иш режаларига мувофиқ жойларга чиқиб ҳуқуқни қўллаш амалиётини мунтазам ўрганадилар.

Депутат ўз ваколатларини амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга гувоҳномасини кўрсатиб кириши, шунингдек уларнинг раҳбарлари ва бошқа мансабдор шахслари томонидан дарҳол қабул қилиниши ҳуқуқига эга.

Фаолияти давлат сирини ҳамда қонун билан қўриқланадиган бошқа сир билан боғлиқ корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга депутат томонидан ташриф буюрилганда махсус тартиб ўрнатилиши мумкин.

Қўмита фаолияти доирасида депутатлар фуқароларнинг муурожаатларини кўриб чиқади.

Қонунлар бажарилишининг доимий назоратини олиб борган ҳолда, Қонунчилик палатасининг тегишли қўмиталари депутатлари мунтазам равишда тегишли давлат органлари ва идоралар вакилларини эшитадилар, ўрганиш натижаларини Қонунчилик палатасига киритиш ва қонун нормаларининг ижро этилишини таъминлаш бўйича қўшимча чоратадбирлар кўриш тўғрисидаги қарорларни қабул органлари ва идоралар вакилларини эшитадилар, ўрганиш натижаларини Қонунчилик палатасига киритиш ва қонун нормаларининг ижро этилишини таъминлаш бўйича қўшимча чоратадбирлар кўриш тўғрисидаги қарорларни қабул қиладилар.



Депутат ялпи мажлисларда, шунингдек аъзо бўлган қўмита ва комиссиялар мажлисларида шахсан иштирок этиши керак

Депутатлар амалдаги фаолияти тўғрисида кенг жамоатчиликка давра суҳбатлари, семинарлар ва конференциялар, оммавий ахборот воситаларида мунтазам равишда чиқишлар шаклида ахборот берадилар.

2.3. Депутатнинг комиссия таркибидаги фаолияти

Қонунчилик палатасида муайян вазифаларни бажариш учун комиссиялар тузилиши мумкин.

Комиссия Қонунчилик палатаси мажлисида Қонунчилик палатасининг депутатлари орасидан комиссия раиси ва аъзолари, зарурат бўлганда эса комиссия раисининг ўринбосаридан иборат таркибда тузилади.

Комиссия тузилгани тўғрисида Қонунчилик палатаси қарор қабул қилади.

Комиссия ўз зиммасига юклатилган вазифалар бажарилганидан сўнг, қайси муддатга тузилган бўлса, шу муддат ўтганидан кейин ёки Қонунчилик палатасининг қарорига биноан муддатидан илгари ўз фаолиятини тугатади.

Депутатнинг муайян комиссия таркибидаги иши белгиланган мақсад ва вазифаларни амалга оширишдан иборат. Масалан, Қонунчилик палатасида Оила ва аёллар комиссияси, Ёшлар масалалари бўйича комиссиялар ташкил этилган.

Комиссия низомида белгиланган вазифалардан келиб чиқиб Оила ва аёллар масалалари бўйича комиссия аъзоси бўлган депутат хотин-қизлар ўртасида ўз жонига қасд қилиш муаммоларини ҳал қилишда, оилавий ажримлар муаммосини ҳал этиш, жиноятчиликка қарши курашнинг самарали механизмларини амалга ошириш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш ва бандликни таъминлаш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш, аёлларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш ва оилавий тиббий маданият даражасини оширишга қаратилган фаолиятни юритади.

Ёшлар масалалари бўйича комиссия аъзоси ёшларнинг ҳуқуқларини, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган давлат сиёсатини амалга ошириш, уни мустақиллик ғояларига содиқлик, миллий ўзликни англаш ҳиссини кучайтиришга, ёшларнинг замонавий касб-ҳунарларни, айниқса, уюшмаган, тайинли бир машғулотга эга бўлмаган ёшларнинг касб-ҳунарларни пухта эгаллаши учун муносиб шароитлар яратишга, бандлигини таъминлашга, ишбилармонлик кўникмаларини ривожлантиришга, уларни тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этишга кўмаклашиш, ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш бўйича самарали механизмларни жорий этиш, ёшлар ўртасида эрта турмуш қуриш ва ёш оилалар ажралишининг олдини олишга қаратилган таклифлар ишлаб чиқишда иштирок этади.

Белгиланган муддатга тузилган комиссия бажарилган ишлар тўғрисида Қонунчилик палатасига хабар беради.

Айрим ҳолларда депутатлар Қонунчилик палатаси ва Сенатнинг қўшма комиссиялари фаолиятига жалб қилиниши мумкин. Масалан, Сенат томонидан рад этилган қонун юзасидан юзага келадиган келишмовчиликларни бартараф этиш учун келишув комиссиялари тузилиши мумкин. Ёки жамият ва давлатнинг энг муҳим манфаатларига дахл қилувчи, мамлакат хавфсизлиги асосларига, унинг барқарор ривожланишига салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган муайян фактларни ёки воқеаларни ўрганиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қўшма қарори билан парламент текширувлари ўтказилиши мумкин.

Парламент текширувини ўтказиш учун Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенат аъзоларидан иборат комиссия тузилади.

Шунингдек, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Регламенти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 32⁸-моддасига мувофиқ прокуратура органлари фаолияти устидан парламент назоратини амалга ошириш, мамлакатда қонун устуворлиги ва қонунийликни, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлат манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш бўйича улар ишининг самарадорлигини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий

Мажлиси палаталари томонидан Сенатнинг прокуратура органлари фаолияти устидан назорат қилувчи комиссияси тузилган.

2.4. Қонунчилик палатаси ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари мажлисларида чиқишлар



Депутатнинг кўплаб ҳуқуқлари орасида унинг асосий ҳуқуқи сифатида ҳал қилувчи овоз бериш ҳуқуқини қайд этиш мумкин. Қонунчилик палатасида кўриб чиқиладиган турли масалалар бўйича овоз

беришда иштирок этиш орқали ҳар бир депутат ўз нуқтаи назарини ифода этиш ва муайян масалага ўз ечимини таклиф қилиш имкониятига эга. Депутат ўзининг овозбериш ҳуқуқини шахсан амалга оширади. Овоз бериш ҳуқуқини бошқа депутатга бериш тақиқланади.

Қонунчилик палатаси йиғилишида сўзга чиқадиган депутат ваколатлари қаторида қуйидаги ҳуқуқларини ҳам қайд этиш мумкин:

– масъул қўмита хулосасини ўқиш учун асосий маърузачи сифатида иштирок этиш;

– қонун лойиҳасини муҳокама қилиш доирасида чиқишлар;

– Қонунчилик палатаси томонидан тузиладиган органларнинг шахсий таркиби ҳамда сайланадиган, тайинланадиган ёки тасдиқланадиган мансабдор шахсларнинг номзодлари бўйича фикр билдириш. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси аъзолари номзодларини кўриб чиқиш ва тасдиқлаш, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) ва унинг ўринбосарини сайлаш, Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясини тузиш;

– баҳс-мунозарада қатнашиш, маърузачи ва раислик қилувчига саволлар бериш. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) ва Ҳисоб палатасининг фаолияти тўғрисидаги ҳисоботларини эшитиш;

– ўз таклифларини асослаб бериш учун сўзга чиқишга ва овоз бериш сабаблари юзасидан изоҳ бериш. Мисол учун, қонун лойиҳасини муҳокама қилиш ёки «ҳукумат соати» доирасида ҳукумат аъзолари ўз фаолиятлари ҳақидаги ахборотини эшитиш;

– Қонунчилик палатаси таркибидаги ўзи аъзо бўлган тегишли органнинг қарорига қўшилмаган тақдирда ўз нуқтаи назарини Қонунчилик палатаси мажлисида баён қилишга ёки бу ҳақда тегишинча Қонунчилик палатасининг Спикерига ёзма равишда маълум қилиш (масалан, қонун лойиҳасининг муҳокамаси давомида).

2.5. Депутатнинг сайлов округидаги фаолияти, сайловчилар билан учрашув

Депутат ўз сайлов округидаги сайловчиларига, депутатликка номзод этиб кўрсатган сиёсий партия билан доимий алоқада бўлиб, Қонунчилик палатасида уларнинг манфаатларини ифодалайди. Депутатларнинг округдаги сайловчилар билан доимий иш олиб бориши бир томондан, мамлакат фуқароларига давлатимиз томонидан олиб борилаётган ислохотларнинг, қабул қилинган қонунлар, парламент фаолияти, сиёсий партиялар фракциялари фаолиятининг мазмуни-моҳиятини етказиш, иккинчи томондан эса жойларда реал вазиятни мақсадли ўрганиш, ўтқир муаммоларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш чораларини кўриш имконини беради. Бундан ташқари, юқорида қайд этилганидек, ўз сайлов округларида Қонунчилик палатаси депутатлари қонунлар ва давлат дастурлари бажарилишининг мониторингига алоҳида эътибор беришади.



Депутатнинг сайлов округи бўйича фаолияти Қонунчилик палатаси Кенгаши томонидан ташкиллаштирилади

Сайлов округига боришдан олдин депутат сиёсий партия фракцияси ва Қонунчилик палатаси томонидан зарур ахборот ва маълумотнома материаллар билан таъминланади.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари депутатни сайловчилар билан учрашувлар ўтказиш учун зарур шарт-шароитлар билан таъминлайди. Ижро этувчи ҳокимият органлари бинолар ажратилишини ташкил этади, фуқароларни депутатнинг сайловчилар билан учрашувлари ўтказиладиган, депутат томонидан фуқаролар қабул қилинадиган вақт ва жой ҳақида хабардор қилади, қабулларда ва учрашувларда иштирок этиш учун ўз масъул вакилларини депутатнинг таклифига кўра юборади, шунингдек депутатнинг жойлардаги ишига кўмаклашиш юзасидан бошқа чораларни кўради.


Сиёсий партиялар фракциялари депутатларнинг сайлов округларидаги ишлари яқунларини умумлаштиради, зарур бўлган ҳолларда долзарб масалаларни Қонунчилик палатасига кўриб чиқиш учун киритади.

Аҳоли билан фаол мулоқот у ердаги мавжуд муаммоларни ҳал этишнинг энг самарали механизми деб эътироф этилганлигини инобатга олган ҳолда мамлакатнинг турли минтақаларига ҳақиқий вазиятни ўрганиш учун депутатларнинг жойларга чиқишлари улар фаолиятида янгича ёндашув бўлди.

Қонунчилик палатаси амалиётга қуйидаги янгиликлар киритилган: ислохотларни муваффақиятли амалга оширишга қаратилган тадбирларни ўрганиш, таҳлил қилиш ва ривожлантириш учун масъул депутатларни ҳудудларга бириктириш;

соғлиқни сақлаш соҳасидаги ислохотларни амалга ошириш, жинойтчиликнинг олдини олиш ва эрта огоҳлантириш чораларига аҳолини кенг жалб қилишни назарда тутадиган парламент назоратини олиб бориш;

Ҳар чоракда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туман (шаҳар) халқ депутатлари Кенгашларининг йиғилишларида сектор раҳбарларининг ҳисоботларини эшитиш.



Сайловчиларнинг ишончини оқламаган депутат қонунда белгиланган тартибда чақириб олиниши мумкин

Сектор раҳбарларининг ҳисоботларини тинглашда қуйидаги масалаларга эътибор қаратиш лозим:

тегишли давр учун ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг танқидий баҳоланиши;

аҳоли, хўжалик юритувчи субъектлар, фермер хўжаликлари, ёшларни ташвишга соладиган долзарб муаммоларни, шунингдек ҳудуднинг ривожланишига тўсқинлик қилувчи тизимли камчиликларни аниқлаш;

ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларини муҳокама қилиш ҳамда Ўзбекистон Республикасининг давлат, ҳудудий, шу жумладан инвестиция дастурларига киритиш бўйича таклифлар бериш.

2.6. Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш билан боғлиқ фаолият

Жисмоний ва юридик шахсларнинг Қонунчилик палатасига келиб тушган мурожаатларини кўриб чиқиш ҳамда Қонунчилик палатасида жисмоний шахсларнинг ва юридик шахслар вакилларининг шахсий қабулини ўтказиш Қонунчилик палатаси депутатлари томонидан «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Қонунга ҳамда Қонунчилик палатаси Кенгаши томонидан тасдиқланадиган тартибга мувофиқ амалга оширилади.

Энг долзарб масалалар кўтарилган мурожаатлар Қонунчилик палатаси раҳбарияти, тегишли қўмиталари ва идоралари томонидан кўриб чиқилади. Фуқароларни қабул қилиш Қонунчилик палатаси ва сайлов округларида ўтказилади. Шу билан бирга, кўриб чиқиладиган масалалардан келиб чиққан ҳолда мавжуд муаммоларни ҳал этишнинг ўз вақтида (зудлик билан) ва самарадорлигини таъминлаш мақсадида, фуқаролардан келиб тушган шикоятлар тегишли ҳокимликларга, судларга, прокуратура органларига, вазирлик ва идораларга, бошқа ваколатли органларга юборилиши мумкин.



Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш

Бундай мурожаатлар билан ишлаш депутатнинг доимий назорати остида бўлиши керак.

Жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари билан алоқалар- жамоатчилик билан мунтазам алоқаларни ўрнатишнинг самарали усулларида бири сифатида Қонунчилик палатаси депутатлари фаолиятини оммавий ахборот воситалари, шу жумладан, интернет тармоғида ёритилишини тан олиш зарур.

Давлат оммавий ахборот воситаларининг фаолияти ва ахборотдан фойдаланиш эркинлигини кафолатлайди. Оммавий ахборот воситалари қонун ҳужжатларига мувофиқ ахборотни излаш, олиш, тадқиқ этиш, тарқатиш, ундан фойдаланиш, уни сақлаш ҳуқуқига эга ҳамда тарқатилаётган ахборотнинг холислиги ва ишончлилиги учун белгиланган тартибда жавобгар бўлади. Оммавий ахборот воситаларининг фаолиятига тўсқинлик қилиш ёки аралаштириш тақиқланади.

Қонунчилик палатаси фаолияти матбуотда, телевидение ва радио дастурларида ўз вақтида ёритилишига катта эътибор қаратмоқда. Қонунчилик палатаси мажлисларининг фаолияти оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилмоқда. Қонунчилик палатаси депутатларининг маърузалари, мақолалари, интервьюлари ва фикрлари мунтазам равишда ахборот-таҳлилий дастурларда телевидение, радио, босма нашрлар, шу жумладан интернет-ресурслар орқали эфирга узатилади. Депутатлар ўзларининг ижтимоий тармоқлардаги саҳифаларини очик ва фаол равишда олиб борадилар, улар қабул қилинган қонунларга шарҳлар киритадилар, тегишли қўмиталарда ишлаб чиқиш жараёнида бўлган қонун лойиҳалари тўғрисидаги маълумотлар, сайловчилар билан учрашувлар ва улар томонидан кўтарилган масалалар ҳақида батафсил маълумотлар берадилар. Депутатлар ижтимоий тармоқлар орқали жамоатчилик эътиборини долзарб муаммоларни ҳал қилиш, давлат органларида коррупцияга қарши курашиш ва бошқа масалаларга кенг жалб қилган ҳолда ўз фаолиятининг самарадорлигини ҳам ошириб келмоқдалар.

2.7. Қонунчилик палатаси депутатининг сўрови

Қонунчилик палатаси депутатининг сўрови парламент назоратининг шаклларида бири бўлиб, улардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш учун депутатларнинг ўзлари тобора кўпроқ эътибор беришмоқда. «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатининг ва Сенати аъзосининг мақоми тўғрисида», «Парламент назорати тўғрисида» ги қонунларга мувофиқ Қонунчилик палатаси

O'zbekiston Respublikasi
Oliy Majlisi
Qonunchilik palatasining
DEPUTATI

100035, Toshkent, Binyo'ldor ko'chasi, 1-uy

ДЕПУТАТ
Законодательной палаты
Олий Мажлиси
Республики Ўзбекистон

100035, Тошкент, бинуюлддор кўчаси, № 1

№ _____ « _____ » 20__ у. г.

намуна
Ўзбекистон Республикаси
Маданият вазири
га

ДЕПУТАТ СЎРОВИ

Ургут туманидаги бир гуруҳ сайловчилар туманда 1967 йилда ташкил этилган "Беш қарсақ" халқ фольклор этнографик ансамбли репетициялар ўтказиш учун жой йўқлиги туфайли тугатилиб кетиш арафасида экинчи баён қилишиб, ёрдам кўрсатишни сўраб ментга мурожаат қилишди.

Масалани ўрганиш шунинг кўрсаткичи "Беш қарсақ" халқ фольклор этнографик ансамбли 2013 йилда Ургут шаҳридаги Маданият саройида фаолият кўрсатиб келган. 2013 йилда Маданият саройи авария ҳолатида деб топилди, бўзиб ташланиб ўрнида янги бино қурилиши бошланиб, маблаг ўз вақтида ажратилмаганини туфайли қурилиш тўхтатилган. Ансамбль дастлаб Ургут шаҳридаги 3-сонли мактабда репетициялар ўтказиб келган, лекин бу репетициялар мактабдаги ўқув жараёнига ҳалақат бергани учун мактаб директори ўзининг 2014 йил 5 январдаги хати билан мактабда репетиция ўтказишни тасқилаган. Ансамбль жамоаси 2014 ва 2015 йиллар давомида туман ҳокими ва Самарқанд вилояти ҳокимлигининг бошқармасига хилма-хил мурожаатларга жавоб қурилиши кўйилмаётгани Маданият саройи қуриб битказилган уларга муқим жой ажратилиши ҳақида хабар олмишган.

Ургут туман "Беш қарсақ" халқ фольклор ансамбли мамлакатимизда ва чет элларда ўтказилган катор танловларда қатнашиб фахрли ўринларни эгаллаган. Ансамбль халқ ижоди намуналарини авайлаб асраб авлоддан-авлодга етказиб келмоқда. Ансамблининг ўз фаолиятини тўхтатиши ўринини тўлдириб бўлмайдиган йўқотишларга олиб келиши мумкин.

Юридикларга асосан, "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий қонунининг 12-моддасига мувофиқ ушбу масалани Самарқанд вилояти ҳокимияти билан бирга қилиб ўрганиб чиқиб, Ургут туман "Беш қарсақ" халқ фольклор ансамбли фаолият кўрсатиши учун қурилган чора-тадбирлар ҳақида 20 кун ичида ёзма асосланган жавоб беришини сўрайман.

Хурмат билан,

Ф.И.Ш

депутати давлат органларининг, хўжалик бошқаруви органларининг мансабдор шахсларига, қоида тариқасида, тегишли сайлов округи сайловчиларининг ҳуқуқларини ва қонуний манфаатларини таъминлаш билан боғлиқ масалалар юзасидан асосланган тушунтириш бериш ёки нуқтаи назарини баён этиш талаби билан сўров юборишга ҳақли. Давлат органларининг, хўжалик бошқаруви органларининг мансабдор шахслари депутат сўровига, агар бошқа муддат белгиланган бўлмаса, сўров олинган кундан эътиборан ўн кундан кечиктирмай ёзма жавоб юборади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси, Бош прокурори, суриштирув ва тергов органлари раҳбарлари номига

йўлланган депутат сўрови уларнинг иш юритувидаги муайян ишлар ва материалларга тааллуқли бўлиши мумкин эмас.

III БОБ. ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ ДЕПУТАТИНИНГ ЭТИКА ҚОИДАЛАРИ

3.1. Қонунчилик палатаси, сиёсий партиялар фракциялари, қўмиталар ва комиссиялар мажлисларида депутатлик одоби масалалари



Депутатлик фаолиятининг турли жиҳатларга бой табиати, сиёсий қарашлардаги жиддий хилма-хиллигини назарда тутадиган сиёсий партиялар фракцияларида ишлаш, айниқса, парламент мухолифати эълон қилинган тақдирда, парламент аъзоларининг хулқ-атворида кучли фарқлар ва баъзан зиддиятли муносабатларга олиб келиши табиийдир. Омма эътиборидаги сиёсатчилар сифатида парламент аъзолари фаолияти парламент доирасида (мунозараларда иштирок этиш, оммавий чиқишлар ва ҳ.к) ва кўпинча парламент ташқарисида (сайловчилар билан учрашувлар, ижро этувчи ҳокимият вакиллари ва бошқалар) сиёсий хусусият касб этади. Парламент фаолияти – парламент аъзоларининг ўз ҳамкасблари, девон ходимлари, мансабдор шахслар, ҳукумат аъзолари, сайловчилар, хорижий делегациялар вакиллари билан ўзаро ҳаракат ва узлуксиз мулоқот қилиш жараёнини назарда тутати. Ушбу жараён ахлоқий хусусиятга ҳам эга. Парламент фаолиятидаги вужудга келиши мумкин бўлган турли низоли вазиятлар парламент фаолиятининг самарали амалга оширилишига тўсқинлик қилиши мумкин. Низоларнинг олдини олишнинг ва ҳал қилишнинг энг самарали усули – ахлоқ қоидаларидир. Уларнинг қабул қилиниши ва мавжудлиги ишнинг барқарорлигини таъминлаш ва парламент фаолияти самарадорлигини ошириш йўллари билан биридир. Депутатларнинг этика қоидалари депутатнинг Олий Мажлисда ҳам, унинг ташқарисида ҳам ўз вазифаларини ва хулқ-атворини рўёбга чиқаришига боғлиқ бўлган талабларини белгилайди.

Масалан, парламент фаолиятини тартибга солувчи ахлоқ меъёрлари ва қоидаларининг юксак даражада ривожлангани, уларнинг таъсирчанлиги ва самарадорлиги Буюк Британия жамиятининг ҳаётида парламентнинг улкан роли ва ҳокимиятлар бўлиниши тизимида юксак мавқеи билан изоҳланади. Бу – Британия парламенти аъзоларининг хатти-ҳаракатларини тартибга солиш ва депутатлик этикаси нормалари демократик тизимларнинг самарадорлиги, ошкоралилиги ва адолатлилигига жамоатчиликнинг ишончини қозонишда, шунингдек, жамоатчилик манфаатлари шахсий манфаатлардан устун қўйилганда парламент маданиятини сақлаш учун жуда муҳимдир. Европа парламентларида депутатларнинг хатти-ҳаракати ва ахлоқий меъёрларининг турли моделлари мавжуд ва улар «ахлоқ кодекслари» шаклида тартибга солинган.

Ўзбекистонда парламент фаолияти этикасини шакллантириш давлат ва жамият ўртасида конструктив мулоқотни ўрнатишда ва шу орқали мамлакат ҳукумати ва бутун жамиятни демократлаштиришнинг замонавий жараёнида муҳим роль ўйнайди.

Парламент аъзоларининг ахлоқий қоидалари одоблилик, хушмуомалалик, хушфееълик ва мулойимлик қоидаларини англатади. Мутахассисларнинг фикрига кўра, улар сиёсий алоқаларни ривожлантиришга, ўзаро тушунишни рағбатлантиришга, одамларнинг кадр-қимматини ҳимоя қилишга ва умуман, парламентда кўполлик ва ўзини тия олмасликнинг олдини олишга қаратилган.



Айни пайтда, парламент фаолиятининг этикаси – бу халқ вакили вазифаларини нафақат парламент биносида, балки жамият аъзолари (масалан, оммавий ахборот воситалари, фуқаролар) билан бўладиган муносабатларда бажариш билан боғлиқ бўлган, шунингдек ҳалоллик, пок виждонлилик тамойилларига риоя қилишга қаратилган ҳаракатдир

Парламент аъзоларининг хатти-ҳаракатларига таълуқли одоб-ахлоқ қоидалари конституция нормаларида, ёки кодекс, қоидалар шаклидада мустаҳкамланган.

Баъзи мамлакатларда, масалан, Аргентинада, парламент аъзоларининг хатти-ҳаракатлари тўғрисидаги нормалар конституцияда акс эттирилган.

АҚШ Конгрессининг Вакиллар палатасида конгрессменлар, конгрессмен ёрдамчилари ва Палата ходимлари учун ўн икки банддан иборат ахлоқ кодекси қабул қилинган бўлиб, унга мувофиқ «уларнинг хатти-ҳаракати Палата ишончини оширишга қаратилган бўлиши керак». Кодекс манфаатлар тўқнашувларини бартараф этиш, совғаларни қабул қилиш, сайлов фондини шакллантириш, ўриндошлик ва бошқа кўплаб масалаларни тартибга солган.

Буюк Британияда “Парламент аъзолари одоб-ахлоқ қоидалари” парламент аъзоларига қуйидаги мажбуриятни юклаган. “Ҳар доим Парламентнинг обрўсини ва жамоатчиликнинг унга бўлган ишончини сақлаб қолиш ва мустаҳкамлаш каби ҳаракатларни амалга оширади ва ҳеч қачон Жамоат палатаси ёки унинг аъзоларига доғ теккизиши мумкин бўлган бирон бир ҳаракатни амалга оширмайди”.

Жанубий Африка Республикасида парламент ахлоқ кодекси депутатларга “юқори ахлоқий меъёрларга амал қилишни, ўзларининг поклиги, тўғрисиўзлиги ва улар вакил қилаётган институтларнинг обрўсига ҳеч қачон шубҳа туғдирадиган фаолиятни амалга оширмасликни” талаб қилади. Шу билан бирга, депутатларнинг ўзлари юқори ахлоқий жиҳатлар, умумий ва сиёсий маданиятга эга бўлиши талаб этилади. Сиёсатчи учун иккиюзламачи бўлмаслик, алдамаслик, сўзида туриш ва ўз мажбуриятларини бажариш жуда муҳимдир.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатларининг депутатлик одоби қоидалари (кейинги ўринларда Қоидалар деб юритилади) Қонунчилик палатасининг 2015 йил 30 апрелдаги 122-III-сонли қарори билан тасдиқланган.

Қоидалар, асосан, депутатларнинг хатти-ҳаракатларига (Қонунчилик палатаси, сиёсий партиялар фракциялари, кўмиталар ва комиссиялар мажлисларида депутатлик одоби, бошқа депутатлар ва сайловчилар билан ўзаро муносабатларда депутатлик одоби, оммавий чиқишлар чоғидаги

депутатлик одоби ва бошқалар) тегишли.

Чекловлар ҳақида сўз юритилганда, Қонунчилик палатаси, фракция, кўмита ва комиссия мажлисида хатти-ҳаракатлар билан боғлиқ чекловларни қайд этиш лозим, жумладан:

ўз нутқида депутатларнинг ёки бошқа шахсларнинг шаъни ва қадр-қимматига путур етказадиган кўпол, ҳақоратомуз ибора ва сўзларни қўлламаслиги, шунингдек мажлисларни ўтказишга халақит берадиган ҳаракатларга йўл қўймаслиги – нотикларнинг сўзини бўлмаслиги, Қонунчилик палатаси тўғрисидаги қонунларда назарда тутилган тартибга хилоф равишда ўз фикрини баён қилишга уринмаслиги;

ўтирган жойидан бақирмаслиги, муҳокама этилаётган масала юзасидан нотикларнинг ўз нуқтаи назарини эркин баён этишига бошқа тўсиқлар вужудга келтирмаслиги, турли узрсиз сабабларга кўра мажлислар залидан намойишкорона чиқиб кетмаслиги, кун тартибидаги мавзудан чиқиб сўзламаслиги;

бирор кишининг шаънига қаратилган асоссиз айбловга йўл қўймаслиги;

сўзга чиқишлар, парламент фаолиятининг бошқа шакллари амалга ошириш чоғида била туриб ёлғон ва нотўғри ахборотдан фойдаланмаслиги;

ўз нутқида депутатларнинг ёки бошқа шахсларнинг шаъни ва қадр-қимматига путур етказадиган кўпол, ҳақоратомуз ибора ва сўзларни қўлламаслиги керак.

Депутат юқорида кўрсатилган хатти-ҳаракатларни содир этган тақдирда, мажлисда раислик қилувчи:

бундай қоидабузарликларга йўл қўйиб бўлмаслиги тўғрисида депутатни огоҳлантиришга;

депутатни сўзлаш ҳуқуқидан маҳрум қилишга;

депутатдан мажлислар залини тарк этишни талаб қилишга;

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Одоб комиссиясидан (кейинги ўринларда Комиссия деб юритилади) тегишли депутатнинг хатти-ҳаракатига баҳо беришни сўрашга ҳақли.

Депутат овоз бериш карточкасининг лозим даражада сақланиши ва фойдаланилишини таъминлаши шарт. Овоз беришни бошқа депутат ёки ўзга шахс зиммасига юклашга йўл қўйилмайди.

Депутатлар ўртасидаги ўзаро муносабатлар сиёсий мансублиги, ижтимоий мақомидан қатъи назар, тенг ҳуқуқлилиқ, бир-бирини ўзаро ҳурмат қилиш асосида йўлга қўйилади.

Депутатлар танқидга сабр-тоқат билан ёндашиши, ўзига нисбатан билдирилган танқидий фикрларга кўполлик билан муносабат билдиришга йўл қўймаслиги керак.

Депутатлар ўз ишини масалаларни эркин жамоавий муҳокама қилиш, фикрлар хилма-хиллигини ҳурмат қилиш принциплари асосида олиб бориши, низоларга йўл қўймаслиги, келишмовчиликларни баҳслар ва очик фикрлар алмашиш орқали бартараф этиш йўллари биргаликда излаши керак.

Сайловчилар билан ишлашда депутат:

Ўз сайловчиларининг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш чоратадбирларини кўради



Сайловчилардан тушган таклифлар, аризалар, шикоятларни кўриб чиқади, уларда кўрсатилган масалаларнинг тўғри ва ўз вақтида ҳал этилишига ўз ваколатлари доирасида кўмаклашади



Жисмоний шахсларни ва юридик шахсларнинг вакилларини шахсан қабул қилади



Депутат ўз округидаги сайловчилар билан доимий алоқада бўлиб туради. Депутатнинг сайловчилар билан ўзаро муносабатлари ўзаро ҳурмат қилиш, сайловчилар томонидан кўтариладиган муаммолар ва масалаларга депутатнинг эътибор билан муносабатда бўлишига асосланади.

Депутат сайловчилар билан ишлашга виждонан ва ҳалол ёндашиши шарт. Депутатнинг хулқ-атвори сайловчиларнинг парламент вакилларига ва умуман давлат ҳокимиятига бўлган ишончини мустаҳкамлашга ёрдам бериши керак.

Сайловчилар билан шахсан мулоқот қилганда депутат касбий лаёқатлилиқ, ҳалоллик ва адолатлилиқ тимсоли бўлишга ҳаракат қилиши лозим.

Депутат ўз иши ҳақида сайловчиларни белгиланган тартибда вақти-вақти билан, шу жумладан оммавий ахборот воситаларидан фойдаланган ҳолда хабардор қилади. Депутат томонидан сайловчиларга тақдим этиладиган ахборот тўлиқ, тўғри ва ҳолисона бўлиши керак.

3.2. Оммавий чиқишлар чоғидаги депутатлик одоби

Депутат оммавий ахборот воситаларида, матбуот конференцияларида, бошқа жамоат тадбирларидаги чиқишларида, омма олдидаги баёнотларида давлат органлари ва бошқа органларнинг, ташкилотларнинг, мансабдор шахсларнинг ва фуқароларнинг фаолиятини шарҳлаганда ўз нутқида уларнинг шаъни ва қадр-қимматига путур етказадиган қўпол, ҳақоратомуз ибора ва сўзларни қўллашга, асоссиз айбловларга йўл қўйишга, била туриб ёлғон ва нотўғри ахборотдан фойдаланишга, қонунга хилоф хатти-ҳаракатларга даъват этишга ҳақли эмас.

Агар депутатнинг омма олдидаги баёнотларида фуқароларнинг шаъни ҳамда қадр-қимматини камситадиган фикрлар мавжуд бўлса, депутат ўз фикрларининг янглишлиги ёки нотўғрилигини ошкора тан олиши ҳамда шаъни, қадр-қиммати ва ишчанлик обрўсига даҳл қилинган фуқародан, агар қонун ҳужжатларида бошқа оқибатлар назарда тутилмаган бўлса, кечирим сўраши шарт.



Депутат бошқа депутатларнинг касбий ва шахсий жиҳатларини ошкора шубҳа остига қўймаслиги, танқид қилмаслиги лозим.

Депутат ўзига расман ваколат берилган ҳоллардагина Қонунчилик палатаси номидан сўзлаши мумкин.

Депутат расмий делегациялар таркибида чет давлатларда бўлган пайтида хизмат сафарининг мақсад ва вазифаларини рўёбга чиқаришга, Қонунчилик палатасининг нуфузи ва умуман давлат манфаатларини ҳимоя қилишга кўмаклашиши, ўзи борган мамлакатнинг қонун ҳужжатларига ҳамда расмий ва норасмий тадбирларни ўтказиш чоғида умумий қабул қилинган одоб нормаларига риоя этиши керак.

3.3. Депутатнинг мақомидан ғайриқонуний равишда фойдаланишга йўл қўйилмаслиги

Депутат ўз мақомидан ўзи учун, шунингдек ўзининг қариндошлари ва ўзига яқин бошқа шахслар учун манфаат, хизматлар, тижоратга оид ёки бошқа наф олиш мақсадида, шахсий масалалар бўйича турли давлат органларига ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга мурожаат қилишда фойдаланмаслиги, касбга оид фаолиятни бажарганлигига боғлиқ ҳақ олмаслиги лозим.

Депутат депутатлик бланкаларидан фақат депутатлик ваколатларини амалга ошириш учун зарур бўлган расмий сўровлар ва бошқа ҳужжатлар учун фойдаланиши шарт.



Депутатнинг ўз мақомидан фуқаролар, жамият ва давлатнинг қонуний манфаатларига зарар етказадиган тарзда фойдаланишига йўл қўйилмайди

3.4. Депутатлик ваколатларини амалга ошириши муносабати билан депутат томонидан олинган маълумотларнинг ошкор этилмаслиги

Депутат депутатлик ваколатларини амалга ошириши муносабати билан ўзига маълум бўлиб қолган маълумотларни, агар ушбу маълумотлар:

Қонунчилик палатаси, фракция, депутатлар гуруҳи, кўмита ва комиссиянинг ёпиқ мажлисларида кўриб чиқилган масалаларга тааллуқли бўлса;

давлат сири ва қонун билан кўриқланадиган бошқа сирга тааллуқли бўлса;

депутатнинг дахлсизлигини чеклашга ёки депутат томонидан ушбу Қоидаларнинг бузилганлиги билан боғлиқ бўлса;

сайловчининг ёки бошқа шахснинг шахсий ҳаётига оид сири бўлса ва депутатга уларни ошкор этмаслик шарти билан ишониб маълум қилинган бўлса, ошкор этмаслиги лозим.

Депутат давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар, мансабдор шахслар томонидан ўзига тақдим этилган расмий хизматга оид маълумотдан шахсий наф кўриш учун фойдаланишга ҳақли эмас.

3.5. Хизматдан ташқари вақтдаги депутатлик одоби

Депутат хизматдан ташқари вақтда депутатнинг юксак номига доғ туширадиган, ўзининг шаъни, кадр-қиммати ва касбий обрўсига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг нуфузига ва умуман давлат манфаатларига путур етказадиган хатти-ҳаракатлардан тийилиши шарт.

Шахсий ўзаро муносабатларда депутат ўзини камтар, ҳалол, хушмуомала тутиши ва ҳеч кимга нисбатан кўпол муносабатда бўлмаслиги лозим.

Кундалик турмушда одоб нормаларига риоя этиш ушбу Қоидаларнинг ажралмас қисмидир.

Депутат кийиниши услубининг сиполиги ва камтароналиги билан ажралиб туришига ҳаракат қилиши мақсадга мувофиқ.

3.6. Депутатлик одоби қоидаларини бузиш оқибатлари

Депутатлик одоби қоидалари бузилган тақдирда депутатнинг хулқ-атвори тўғрисидаги масала Комиссия томонидан кўриб чиқиши ёки Қонунчилик палатаси кўриб чиқиши учун киритилиши мумкин.

Комиссия Қоидаларни бузган депутатга нисбатан қуйидаги таъсир кўрсатиш чораларини қўллашга ҳақли:

Депутатга ушбу Қоидаларни бузишга йўл қўйилмаслигини кўрсатиб ўтган ҳолда огоҳлантириш бериш

Депутатдан Комиссиянинг ёки Қонунчилик палатасининг мажлисида узр сўрашни талаб этиш

Комиссия депутат томонидан ушбу Қоидаларнинг бузилишига йўл қўйилганлиги фактини Қонунчилик палатаси мажлисида ўқиб эшиттириши мумкин.

Қонунда назарда тутилган алоҳида ҳолларда депутатнинг ваколатлари Қонунчилик палатасининг қарори билан муддатидан илгари тугатилиши мумкин. Бундай масалани кўриб чиқиш учун депутатнинг юксак номига доғ туширадиган хулқ-атвор асос бўлиши мумкин.

Депутат томонидан умумий қабул қилинган одоб нормаларини, депутатлик одобини қўпол тарзда бузадиган, депутатнинг юксак номига доғ туширадиган ва давлат ҳокимияти вакиллик органларининг обрўсига путур етказадиган хатти-ҳаракатлар, ножўя ишлар содир этилган тақдирда, у қонунда белгиланган тартибда чақириб олиниши мумкин.

3.7. Депутатнинг ўз шаъни ва қадр-қимматини ҳимоя қилиш ҳуқуқи

Депутат ўзининг ҳуқуқи, шаъни ва қадр-қиммати, ишчанлик обрўсига дахл қиладиган асоссиз ариза тақдим этилган тақдирда амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ уларни ҳимоя қилишга ҳақли. Комиссия мажлисига, ҳақиқий ҳолатларни аниқлаш ва ҳолисона қарор қабул қилиш мақсадида, ўзига нисбатан масала кўриб чиқиладиган депутат, зарур бўлган ҳолларда эса, аризачилар ва бошқа шахслар таклиф этилади.

Депутат Комиссияга ўз ҳуқуқлари, шаъни ва қадр-қимматининг ҳимояси учун материаллар ҳамда бошқа ахборотни тақдим этишга ҳақли.

Ариза материаллари, Қонунчилик палатаси ёки Қонунчилик палатаси Кенгашининг топшириғи билан танишиб чиқиш яқунлари бўйича Комиссия депутатнинг ҳаракатларида депутатлик одоби қоидаларининг бузилиши фактининг мавжудлигини, депутатга нисбатан аниқ таъсир кўрсатиш

чораларини кўрсатган ҳолда ёхуд депутатнинг ҳаракатларида депутатлик одоби қоидалари бузилиши фактининг мавжуд эмаслигини белгилайди.

Комиссия қарори устидан Қонунчилик палатасига шикоят қилиш мумкин. Қонунчилик палатаси Комиссия қарорини бекор қилишга ва ўз ваколати доирасида бошқа қарор қабул қилишга ҳақли.

Тарафларнинг ярашуви, шунингдек депутат ўз хоҳиши билан ошкора узр сўраган ҳолларида, ўзига нисбатан таъсир чоралари қўлланилишидан овоз этилиши мумкин.

IV БОБ. ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ ДЕПУТАТИ ФАОЛИЯТИНИНГ АСОСИЙ КАФОЛАТЛАРИ



Кафолатларнинг мақсади – парламент аъзосини ҳимоя қилиш ва унинг нафақат ҳуқуқларини, балки мажбуриятларини ҳам белгилашдан иборатдир. Бу уларни фуқароларнинг манфаатлари йўлида самарали ишлашга ундайди.

Бунда депутатнинг бевосита иштироки билан боғлиқ бўлган депутатлик ваколатини амалга оширишдаги ҳуқуқ ва мажбуриятлари тушунилади.

Ҳар бир депутатнинг ўз ваколатларини ҳеч қандай тўсқинликсиз ва самарали бажариши, ҳуқуқларини, шаъни ва кадр-қимматини ҳимоя қилиши учун шарт-шароитлари кафолатланади.

Депутатлик ваколатларини амалга оширишига тўсқинлик қилиш мақсадида депутатга қандай тарзда бўлмасин таъсир кўрсатишга йўл қўйилмайди.

Депутат олдидаги ўз вазифаларини бажармайдиган, унинг ишига тўсқинлик қиладиган, била туриб унга ёлғон ахборот берадиган, депутат фаолиятининг кафолатларини бузадиган мансабдор шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўладилар.

4.1. Депутатнинг дахлсизлик ҳуқуқи

Қонунчилик палатасининг розилигисиз депутат жиноий жавобгарликка тортилиши, ушлаб турилиши, қамоққа олиниши ёки суд тартибида бериладиган маъмурий жазога тортилиши мумкин эмас.

Депутатни мажбурий келтиришга, шунингдек унинг уй-жойи, хизмат хонасини, юки, шахсий ва хизмат транспорти воситаларини, ёзишмаларини, у фойдаланаётган алоқа воситаларини, шунингдек унга тегишли ҳужжатларни кўздан кечиришга йўл қўйилмайди.

Депутат Қонунчилик палатасида овоз бериш чоғида фикр билдирганлиги ёки нуқтаи назарини баён этганлиги учун ҳамда ўз ваколатларини амалга ошириши билан боғлиқ бошқа ҳаракатлари учун

жавобгарликка тортилиши мумкин эмас, шу жумладан ваколатлари муддати тугаганидан кейин ҳам жавобгарликка тортилиши мумкин эмас.

Депутатнинг дахлсизлиги дунёнинг барча давлатлари парламентларида мавжуд бўлиб, депутат мақомининг асосий элементларидан бири, унинг фаолиятининг энг муҳим ҳуқуқий кафолатидир.

Депутатларнинг дахлсизлиги уларнинг турар-жойига, иш жойига, юкга, шахсий ва бизнес транспорт воситаларига, ёзишмаларига, фойдаланадиган алоқа воситаларига ва уларнинг ҳужжатларига тегишли.

Бирок, унутмаслигимиз керакки, депутатнинг дахлсизлиги кафолати – бу шахсий имтиёз эмас, бу депутатнинг профессионал иши, вазифаларини бажариш билан боғлиқдир.



Депутат ўзининг ваколатлари муддати мобайнида дахлсизлик ҳуқуқига эга бўлади

4.2. Депутатни дахлсизлик ҳуқуқидан маҳрум қилиш тартиби

Депутатни дахлсизлик ҳуқуқидан маҳрум қилиш тўғрисидаги масала Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг тақдимномасига биноан Қонунчилик палатаси томонидан ўн кун ичида ҳал этилади.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг депутатни жиноий жавобгарликка тортиш, ушлаб туриш, қамоққа олиш ёки суд тартибида бериладиган маъмурий жазони қўллашга розилик олиш тўғрисидаги тақдимномаси Қонунчилик палатаси томонидан кўриб чиқилади, Қонунчилик палатасининг сессиялари оралиғидаги даврда эса, унинг Кенгаши томонидан кўриб чиқилиб, Қонунчилик палатаси Кенгашининг ушбу масалага доир қарори кейинчалик Қонунчилик палатасининг сессиясида тасдиқланади.

Қонунчилик палатасининг ёки унинг Кенгашининг Қонунчилик палатаси депутатини дахлсизлик ҳуқуқидан маҳрум қилишга розилик бериш масаласига доир қарори дарҳол Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорига юборилади.


Депутатни дахлсизлик ҳуқуқидан маҳрум қилишга розилик олган Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори иш юритиш тамомланган кундан эътиборан уч кунлик муддат ичида Қонунчилик палатасига ишни тергов қилиш, судда кўриб чиқиш натижалари тўғрисида хабар қилиши шарт.

Қонунчилик палатаси депутатни дахлсизлик ҳуқуқидан маҳрум қилишга розилик беришни рад этиши унга нисбатан жиноят ишини юритишни ёки суд тартибида бериладиган маъмурий жазони назарда тутадиган маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни юритишни истисно этадиган ва бундай ишларни тугатишга сабаб бўладиган ҳолат ҳисобланади. Тегишли ишни тугатиш тўғрисидаги қарор фақат янги очилган ҳолатлар мавжуд бўлган тақдирда бекор қилиниши мумкин.

4.3. Депутатнинг меҳнат ҳуқуқлари кафолатлари

Ҳар бир депутатга ўз ваколатларини самарали амалга ошириши учун муносиб меҳнат шароити кафолатланади, унинг меҳнат ҳуқуқлари муҳофаза қилинади.

Депутатнинг ваколатлари муддати умумий иш стажига, хизмат муддатига ва аввалги ихтисоси бўйича иш стажига қўшиб ҳисобланади.



Депутатларга ваколатлари муддати тугаганидан кейин ишга жойлашишга доир кафолатлар берилади. Ваколатлари муддати тугагач, депутатга ўзининг розилиги билан бошқа лавозимдаги иш, шу жумладан юқорироқ лавозимдаги иш ҳам берилиши мумкин

Депутат илгариги иш жойига (лавозимига) қайтган тақдирда, депутатнинг аввалги эгаллаб турган лавозимига қабул қилинган шахс билан меҳнат шартномаси меҳнат қонунчилигига мувофиқ бекор қилинади.

Корхона, муассаса, ташкилот қайта ташкил этилган ёки ходимлари сони (штати) ўзгарган тақдирда депутатга ваколатлари муддати тугаганидан кейин илгариги иш жойи бўйича бошқа аввалгисига тенг лавозим берилади. Бунда депутатни ишга жойлаштириш мажбурияти ҳуқуқий ворис зиммасига юклатилади.

Корхона, муассаса ёки ташкилот тугатилган тақдирда, депутатга ўзининг розилиги билан бошқа корхонада, муассасада ёхуд ташкилотда иш (лавозим) берилади. Бунда депутатни ишга жойлаштириш мажбурияти юқори турувчи орган ёки бошқа ваколатли орган зиммасига юклатилади.

Сайланишига (тайинланишига) қадар, лавозимларга тайинлаш Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига биноан амалга ошириладиган лавозимларда ишлаган депутатларни ишга жойлаштириш тегишинча Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ёхуд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан амалга оширилади.

Қонунчилик палатаси тарқатиб юборилган тақдирда, депутатга ишдан бўшатиш ойлик нафақаси ҳисобга олинган ҳолда ишга жойлашиш даврида қонунда белгиланган тартибда ўртача ойлик иш ҳақи тўланади.



V БОБ. ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ ДЕПУТАТИ ФАОЛИЯТИНИ АХБОРОТ ҲАМДА МОДДИЙ-ТЕХНИКА ЖИҲАТДАН ТАЪМИНЛАШ

5.1. Депутатнинг хизмат жойини моддий-техник таъминоти

Қайси депутатлар бирлашмасига мансублигини ҳисобга олган ҳолда ҳар бир депутатга Қонунчилик палатасининг мажлислар залида доимий равишда ўрин ажратилган ҳолда, у электрон ва техник жиҳозлар билан жиҳозланади ва фамилияси, исми ҳамда отасининг исмини кўрсатувчи тахтача қўйилади.

Қонунчилик палатаси девони депутатни ҳужжатлар, зарур ахборот ва маълумот материаллари билан таъминлайди, шунингдек депутатлик фаолияти билан боғлиқ масалалар бўйича мутахассисларнинг маслаҳатларини уюштиради.

Депутатга техник воситалар, алоқа воситалари ва маълумотлар базаларидан фойдаланиш учун шарт-шароит яратилади.

5.2. Депутатга хизмат хонаси бериш

Депутатга Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг биносида идора мебели, зарурий техника воситалари ва девонхона ашёлари билан жиҳозланган алоҳида хизмат хонаси (ёки хизмат хонасида иш жойи) берилади.

5.3. Депутатнинг транспортда текин юриш ҳуқуқи

Депутат Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ҳаво, темир йўл, автомобиль йўловчилар транспортида (такси ва шаҳар йўловчилар транспорти бундан мустасно) текин юриш ҳуқуқидан фойдаланади.



Депутат аэропортлар ва аэровокзаллар, темир йўл вокзаллари ҳамда станцияларининг расмий шахслар ва делегациялар учун мўлжалланган залларидан текин фойдаланиш ҳуқуқига эга.

Депутат ўз гувоҳномасини кўрсатганидан кейин темир йўл вокзаллари ва станцияларининг чипта сотадиган кассалари, фуқаро авиацияси агентлиги ёки аэропортлар унга поезднинг ётоқли ёки юмшоқ ўриндиқли вагонидан, самолёт салонидан навбатсиз жой беришлари шарт.

Депутат Олий Мажлис сессиясига бораётганда унга самолёт чиптаси парвоздан камида икки соат олдин, бошқа ҳолларда эса, камида бир сутка олдин берилади.

Чиптасида ўриндикнинг тартиб рақами ҳам кўрсатиладиган шаҳарлараро, шунингдек шаҳар атрофига қатнайдиغان автобусларда депутат автовокзаллар ва автостанцияларнинг кассаларидан навбатсиз олинадиган текин чипта билан юради. Қолган барча ҳолларда депутатнинг йўловчилар транспортида юриши (такси ва шаҳар йўловчилар транспорти бундан мустасно) депутатнинг гувоҳномаси бўйича амалга оширилади.

Депутат ҳар бир транспорт турида амалда бўлган нормаларга мос қўл юкини текин олиб юриш ҳуқуқига эга.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатининг гувоҳномасига транспортда бепул юриш ҳуқуқини берадиган илова варақасининг

НАМУНАСИ

ОЛД ТОМОН

ОРҚА ТОМОН



ЎЗБЕКИСТОН ОЛИЙ МАЖЛИСИ
ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ
ДЕПУТАТИ

С.САИДОВ
001 - Гувоҳномага

Депутат, сенатор Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ҳаво, темир йўл, автомобиль йўловчилар транспортида (такси ва шаҳар йўловчилар транспорти бундан мустасно) текин юриш ҳуқуқидан фойдаланади.

Депутат, сенатор аэропортлар ва аэровокзаллар, темир йўл вокзаллари ҳамда станцияларининг расмий шахслар ва делегациялар учун мўлжалланган залларидан текин фойдаланиш ҳуқуқига эга.

Депутат, сенатор ўз гувоҳномасини кўрсатганидан кейин темир йўл вокзаллари ва станцияларининг чипта сотадиган кассалари,

фуқаро авиацияси агентлиги ёки аэропортлар унга поезднинг ётоқли ёки юмшоқ ўриндикли вагонидан, самолёт салонидан навбатсиз жой беришлари шарт. Депутат, сенатор палатанинг мажлисига бораётганда унга самолёт чиптаси парвоздан камда икки соат олдин, бошқа ҳолларда эса, камда бир сутка олдин берилади.

Чиптасида ўриндикнинг тартиб рақами ҳам кўрсатиладиган шаҳарлараро; шунингдек шаҳар атрофига қатнайдиغان автобусларда депутат, сенатор автовокзаллар ва автостанцияларнинг кассаларидан навбатсиз олинадиган текин чипта билан юради. Қолган барча ҳолларда депутатнинг, сенаторнинг йўловчилар транспортида юриши (такси ва шаҳар йўловчилар транспорти бундан мустасно) депутатнинг, сенаторнинг гувоҳномаси бўйича амалга оширилади.

Депутат, сенатор ҳар бир транспорт турида амалда бўлган нормаларга мос қўл юкини текин олиб юриш ҳуқуқига эга.

Транспорт ташкилотлари билан ҳисоб-китоб қилиш тартиби қонун ҳужжатларида белгиланади.

5.4. Депутатга хизмат турар жойи бериш

Депутатга агар улар Тошкент шаҳрида турар жойга эга бўлмаса, берган аризаларига биноан ваколатлари амал қиладиган муддатга оила аъзолари билан яшаш учун Тошкент шаҳрида хизмат турар жойи берилади.

Эгаллаб турган хизмат турар жойини депутатлик ваколатлари тугаган кундан эътиборан ўн кундан кечиктирмай бўшатиб бериши шарт.

